

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТИЛ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАЗМУНИ ВА ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

Тўхтабоева Маҳлиё Рустамжон қизи
Кўқон давлат университети докторанти

Аннотация. Глоблалашув жараёнлари Ўзбекистон ёшларининг бутун дунёда илм ўрганиши, меҳнат фаолиятини кўрсатиши, тил ва иқтисодий қамровини ошириб бормоқда. Бу эса ўз навбатида таълим тизимининг таълим олувсҳиларига тил кўникмаларини қай даражада сингдира олганлиги ва уларнинг кейинги ҳайотини қай даражада режаслаштира олиши, бунда тилка оид умумбашарий ва миллий қадрийатларга қай даражада эътибор қаратиши кўникмаси шаклланганлигини таълим тизимининг натижаси сифатида қараш мумкин бўлади.

Калит сўзлар: тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш, листенинг скиллс, мулоқот, кўникма.

Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 14-сентябр куни қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сийосати тўғрисида”ги Қонунининг бир қатор моддаларида айнан ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш алоҳида таъкидланган. Ушбу қонуннинг 3-моддасида мамлакатимизнинг 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслари ёшлар деб тушунилиши белгилаб қўйилган. Ёшларда тил кўникмаларини ривожлантириш усхун ҳукуматимиз томонидан ёшларга кўрлаб шарт-шароитлар йаратиб келинмоқда ва бу давлат сийосатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди. Шунингдек, ёшларимизни тилка, ишбилармонликка жалб этишда, касб-хунарга йўналтиришда, уларда тилка оид амалий кўникмаларни шаклантиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирок этиши мумкинлиги қонуннинг 19-моддасида акс этган ҳамда ушбу қонуннинг 26-моддасига кўра, ёшларни тилка йўналтиришни ривожлантиришга кўмаклашишга алоҳида урғу берилган.

Дунёда бўлайотган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ўз навбатида ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнига ўз таъсирини кўрсатмоқда ва касбга йўналтириб ўқитиш усхун ёшларда тил, ишбилармонлик, ташаббускорлик салоҳийатларини шаклантириш ва ривожлантиришда фанлараро узвийликни таъминловсҳи замонавий таълим технологийаларини ишлаб сҳиқиш ва уларни таълим-тарбия жараёнига қўллашни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан 2020-йил 23-сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги 637-сон Қонуни халқаро стандартлар ва замон талаблари асосида йанги таҳрирда қабул қилинди. Ушбу қонун 75-моддadan иборат бўлиб, унинг 3-моддасида замонавий таълим-тарбияга оид йанги тушунсҳалар мазмуни замонавий талқин этилиб, ушбу моддага асосан таълим тушунсҳасида ўқувсҳиларнинг умумтаълим ва касбий билим, кўникма, малакаларини шаклантиришга алоҳида урғу берилган.

Ўқувчиларга турли кўшиқлар ва шеърлар эшиттириш аосида ҳам уларнинг тил кўникмаларини шаклантириш мумкин. Бу оддий ва ритмик кўшиқларни тинглаш

орқали ўқувчиларнинг сўзларни ёдлашини таъминлаш, болалар учун мўлжалланган шеър ва кўшиқлардаги талаффуз ва оҳангга эътибор қаратиш, кўшиқларни эшитгандан кейин уларни биргаликда куйлашни таклиф этиш ҳам нутқни мустақамлашга ёрдам беради.

Тил кўникмаларини шакллантиришда **аудио материаллар** билан ишлаш ҳам самарали ҳисобланади. Буни **инглиз тилида гапириладиган қисқа** ҳикоялар ёки матнларни тинглаш, сўнгра матн мазмуни бўйича оддий саволларга жавоб бериш (Масалан: “Who is in the story?”, “What color is the car?”).

Шунингдек, тинглаган материални қайта ҳикоя қилиш ёки расм асосида тушунтириш методикасини қўллаш ҳам болаларнинг тил ўрганишида яхши натижа беради. Бунда турли интонацияларни ажратиб олиш бўйича топшириқлар, ўқувчиларга турли нутқ оҳанглари эшиттириш, масалан, савол ва тасдиқ гап оҳангларига эътибор қаратиш зарур бўлади. Интонацияни тушунишга ёрдам берувчи қисқа машқлар, масалан: "Is it a question or a statement?" каби фаолиятларни қўллаш мумкин.

Болалар хорижий тил билан илк танишишни саломлашиш маданияти, ранглар ва кундалик сўзларни диалог шаклида ўрганишдан бошладилар. Бошланғич синфларда, айниқса, биринчи синфда ўқувчиларга чет тилларни ўргатишда ўқувчининг ёши, физиологик, психологик хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Қарорда таъкидланганидек, биринчи синфларда ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида чет тилларини ўргатишни амалга ошириш, ҳақиқатан, кичик ёшдаги ўқувчиларга мослигидир. Таълимда ўйин технологияларидан фойдаланиш, энг самарали воситалардан биридир. Ўйин давомида уларнинг тафаккури, дунёқараши, фикрлаши кенгайиб боради. Олимлар таълимга ўйин орқали ёндашув таълим жараёнида осонлаштиради, деб ҳисоблаган. Нафақат осонлаштиради, балки бу фанга қизиқишини кучайтириб, болани чуқур билим олишига ундайди. Шубҳасиз, мамлакатимиз таълим даргоҳларида хорижий тиллар хоналарини замонавий ахборот - коммуникация технологиялари ўқитишнинг илғор техник воситалари билан жиҳозлаш, телерадиоканалларда болалар ва ўсмирларни хорижий тилларга ўргатувчи кўрсатув ва эшиттиришларни бериб бориш, бошқа мамлакатлар тарихи ва маданияти, жаҳон илм-фани ва техник янгиликларига бағишланган илмий-оммабоп хорижий бадиий ва мултипликацион филмларни ўзбекча субтитр ёрдамида мунтазам намоиш этиш ёшларимизга дунё халқларининг ўтмиши, маданияти, илм-фани билан яқиндан танишиши имконини берди⁴.

Бошланғич синфларда инглиз тилини ўргатиш жараёни болаларнинг чет тилга бўлган қизиқишини уйғотиш ва ушбу тилни асосий коммуникация воситаларидан бири сифатида қабул қилишига ёрдам беради. Бу босқичда ўқувчиларнинг ёши ва қобилиятларига мос равишда тил ўрганиш кўникмалари (тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш) шакллантирилади. Мазкур жараён қизиқарли, ижодий ва болалар эҳтиёжларига мос ёндашувларни талаб қилади.

Ўқиш кўникмаларини ривожлантириш бошланғич синф ўқувчиларининг чет тилни ўзлаштириш жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Матнларни тушунарли ва раво

⁴ Жўрабеков, С. Бошланғич таълимда чет тилни ўқитиш методикаси. – Тошкент: Фан ва технология, 2018. – 120 б
www.bestpublication.uz

ўқиш, мазмунни англаш ва қайта ҳикоя қилиш каби қобилиятларни ривожлантириш учун фонетик ёндашув, қисқа ҳикоялар ва савол-жавоб машқларини қўллаш самарали усул ҳисобланади. Ўзбекистон, рус ва чет эл олимларининг илмий фикрлари ўқиш кўникмаларини ривожлантиришнинг инновацион ёндашувларини қўллашни тавсия этади.

Ёзиш кўникмалари (вритинг скиллс) чет тилни ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг ўз фикрларини ёзма равишда аниқ ва мантикий ифодалашига ёрдам беради. Бошланғич синф ўқувчилари учун ёзиш кўникмаларини ривожлантириш бу қобилиятларни шакллантиришнинг муҳим босқичидир. Бу жараёнда ўқувчилар грамматика қоидаларини амалда қўллашни, ёзувни тартибли бажаришни ва ўз фикрларини ижодий тарзда ифодалашни ўрганади.

Ўқувчилар учун қизиқарли бўлган ўйин ва технологиялардан фойдаланилади. Масалан, инглиз тилида ёзувни ўргатувчи иловалар ва дастурлар ёрдамида ёзиш жараёни ташкил этилади⁵.

Абдуллаева М. А. ёзиш кўникмаларини ривожлантиришда ўқувчиларга ёзув қоидаларини тушунтириш ва уларни мавзу асосида кичик матнлар ёзишга ундашни тавсия қилади. У қизиқарли топшириқлар орқали ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш муҳимлигини таъкидлайди⁶.

Бошланғич синф ўқувчиларининг инглиз тилидан тил кўникмаларини ривожлантириш – бу узоқ муддатли таълимнинг муваффақиятли асосини яратадиган жараён. Бу жараённинг самарадорлиги дарснинг қизиқарли ва ижодий бўлишига, шунингдек, ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ. Тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш каби асосий кўникмаларни ўз ичига олган интеграцияланган ёндашув ўқувчиларнинг тилга бўлган ишончини оширади ва уларнинг келажакда муваффақиятли тил ўрганишларига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жўрабеков, С. Бошланғич таълимда чет тилни ўқитиш методикаси. – Тошкент: Фан ва технология, 2018. – 120 б
2. Абдуллаева, М. А. Бошланғич синфларда чет тилни ўргатишда инновацион ёндашувлар. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Университети, 2020. – 150 б
3. Celce-Murcia, M. Teaching English as a Second or Foreign Language. – Boston: Heinle & Heinle, 2001. – 457 p.

⁵ Celce-Murcia, M. Teaching English as a Second or Foreign Language. – Boston: Heinle & Heinle, 2001. – 457 p.

⁶ Абдуллаева, М. А. Бошланғич синфларда чет тилни ўргатишда инновацион ёндашувлар. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Университети, 2020. – 150 б